



Шу орада хабар бўлиб колдики, Жингдаги душман куч-лари Гулжанинг шимоли-шарқий довони Ачалдан Гулжага тушишга ҳаракат қилиб, анча илгарилаб келаётган эмиш. Буни Александр дадамларга келиб, ваҳима билан гапириб: “Биз тезда чекинмасак, ўровда қоламиз”, деб маслаҳат бера бошлади. Ва ҳам ўзи бола-чакаларини Кўргосга олиб бориб қўйиб, бошқаларни ҳам ўзининг фикрига тортишга киришди. Бунга эргашиб, Раҳимжон, Зуннунлар ҳам қочиб, Кўргосга бола-чакалари билан бориб олдилар. Аммо отамиз катъий туриб, бу режани рад этдилар. Шунинг билан бирга 1944 йил декабрь охирида фавқулодда ҳарбий мажлис қилиб, буларнинг фикрларини билдилар. Ҳарбий маслаҳатчи генерал Николай Архипович билан Александр Романовлар ҳарбий вазиятга шундай баҳо берганлар: “Ҳозир душманлар Очолдан тушиб, Панжумга олди келиб колди. Биз бу аҳволда камалдамиз. Шунинг учун борлик нарсалар билан Кўргосга чекинишимиз керак. Чунки бизда ҳам бундай ҳолда чекинишлар бўлган. Шаҳарлар бир неча йўл кўлдан-кўлга ўтган.” У пайт отамиз: “Сизларнинг интизомли аскарингиз бир оғиз сўз билан чекинадур, бир оғиз сўз билан бирлашиб оладур. Сизларда - уруш. Бизда - халқ кўзголини. Агар биз чекинсак, “революция қончал” деган бўладур”(“Инқилоб битти” ифодасини рус маслаҳатчиларига қисқачасига шундай деганлар.) деб, “Сизларга рухсат. Биз чекинмаймиз! Ҳозир ҳар бир минутимиз қимбат” деб, ўринларидан сакраб туриб, телефонга ташвиқот бўлими бошлиқларини чақириб, тезликда жамоат ўринларига бутун эру-аёлларни сафарбар қилиб йиғишга буюрдилар. Шунинг билан ҳар жойда тўпланган жамоат маконларига бориб, тўпланган халққа қарата: “Ҳозир бизлар учун - нафири-омм(Шариат қоидаларига қўра душманга қарши ёппасига сафарбарлик.), чунки душман бостириб келмоқда. Шунинг учун бутун халққа, ҳатто пардадаги хотин-қизларга ҳам душманга қарши туриб, ватанни сақлаш фарз бўлди.

Мана ҳозирдан бошлаб бутун халк олдинги сафда боскинчиларга қарши туриб жанг қилаётганларга, фидойи аскар болаларимизга борлик имкониятларимиз билан ёрдам қилиб, душманнинг олдини тўсамиз ва уни йўқ қиламиз! Чунки ҳақ биз билан!” дедилар. Бунга жавобан бутун халк душманга қарши шу кечадаёқ отлик-яёв бўлиб чиқиб, олдинги сафдаги аскар болаларимизга овқат, қийим-кечак етказиб, ўтин-қўмирлар билан таъминлаб, уларга катта қуч билан ёрдам улашиб кетди. Шу туфайли бутун аскар йигитлар рухланиб ва ҳам иссиқ қийимлар билан таъминланиб, совукнинг дахшатидан қутулган ҳолда жангга кирдилар. Неча минглаган халкнинг “ура!” наъраси душман хитойларнинг устига тоғ ағдарилгандай тушиб, бу дахшатли овозлар узилмай, уларнинг бошидан ҳуши учиб, совукда қотиб ҳаракатланолмай, бир-биринингустига йиқилиб, юролмай, гангираб туриб қолди. Бутун шаҳар аҳолиси билан халқи бир бўлиб, неча ўн минглаган инсоннинг тоғ оралиғи жилга йўлларидаги эғиз чўққиларда туриб тортган акбар” наърасининг тоғдан-тоққа урган акс-садоси душманларга шундайин қўрқинч қолдики, шовкин-суроннинг қучидан қуролларни ишлатолмай, улар музлаб қотиб қолди. Натижада шу кечанинг ўзидаёқ уч мингдан ошдиқ душман аскарлари асир олинди. Тадбирлардан яна бири - кеча давомида тоғ чўққиларида “Оллоҳу акбар” садоси бидан бирга ҳисобсиз ёқилган ўтлар эди. Буларни қўрғач, душманлар қаттиққўрқувга тушдилар ва уларда турган жойларидан бир қадам қўйишга қуч ҳам, ҳуш ҳам қолмади. Қора қиш шартларига мослашмаган душман аскарлари қорни ёриб юролмай, турган жойларида совукнинг қучидан қотиб қолаверди. Охири Оқолдан тушган душман билан Хайронбоғдаги қувватларнинг би-риқиш плани пучга қиқиб, отамиз ўз журъатлари билан ҳарбий маслаҳатчиларни рад этиб, бутун халқни душманга қарши сафарбар қилғач, шу кечада душман устидан қатъий ва узил-қесил галабага эришилди. Такрор айтиш қераққи, 1944 йил 17-деқабр фавқуллода мажлисда ҳарбийлар вазиятни баҳолаб, Гулжа шаҳрининг шимолидаги Жилаези-Панжумларга Оқолдан тушган душман қўшини Гулжанинги Хайронбоғ аскархонасида муҳосирадаги душманлар билан ҳаводан алоқа боғлаб, бугун эрта бу иққи қуч қўшилиши мумкин деб, қатъий қилиб қеқинишга маслаҳат берганларида уларни отамиз рад этиб, шу кечанинги ўзидаёқ нафири омм эълон қилиб, бутун шаҳарга ва қишлоқларга қопармонлар орқали ҳабар етқазилди. “Нафири омм” бу - оқирги томқи қон қолғунча душманга қарши туриб ватанни сақлашдир деган буюқ, муқаддас, ватанпарвар даъват қакмок тезлигида Гулжа шаҳар ва атроф қишлоқларига етиб борди. Шу руҳца душманга қарши отлик-пиёда қикқанларнинг орасида хотин-қизлар ҳам бўлиб, улар шу кечада эрқаклар билан бир қаторда юриб, душман қелар йўллар, тоғдаги жилга-сойлар ва тоғ чўққиларига бориб етиб, ўтлар ёқиб, душманга дахшат қолдилар. Халқ олдинги сафда душманга қарши жанг қилаётган қуролли аскар болаларимизга ҳисобсиз ёрдам етқазиб, шу кечадаги галабага эришишда ниҳоят зўр қуч бўлиб қўшилди. Шунинг билан бирга Оқол доводидан Жилаези, Панжум сойларига ошиб тушган душман аскарлари эшитаетган халқнинг чўққилардан туриб солаётган, тоғни титратадирган суронлари қишнинг совуғига қўшилиб илоҳий бир қучга айланиб, Худонинг қудрати билан душман йўлини тўсиб қикқанлардан ҳеч қим қикимга учрамай, шул қечқи буюқ галабага эришилди. Ўша кечадаги осмондан тушгандай, ердан униб қикқандай бу халқ шундай буюқ рух билан тезликца “нафири омм!” деган қаккирикка қўшилиб, бутун тоғ, сой йўллари душманни бир қадам қўйишга йўл бермай, ҳаммасини совукдан қотириб қўйди. Шу сабабли бунинг буюқ илоҳий қуч дейишдан бошқа таъбири йўқ деб ўйлайман.

18-деқабр қуни эрталаб исломйезилиқ Аюб халфа боласи Исмоил билан Жилаезининг

хитой тушган сойига бориб, совукдан тирик колган 40-50 душман аскарини курулларини ўзларига кўтаргизиб олиб келди. Карасак, барчаси ёш болалар. Кийими кишга: мослашмаган, ҳаммасини тирик ўлик деса бўлади. Бу асирларнинг курулларини олиб карасак, кўпининг ўқдони совукнинг кучидан музлаб қолибди. Котган затворни(Милтиқнингўкни сурувчи қисми (русча).) ишлатолмай, бунинг устига “урра” овози, унинг тогдан-тока - урган ва жилгалардан қайтган акси-садоси душмanning хуши бошидан учириб таслим қилганди. Хулласи, сойларда тирик колган душманларни асир олиб, совукдан қотиб ўлганларининг курулларини йигиб, айна қуни асирлар билан қўшиб Марказий идорага топширилди. Эслатиб ўтиш керакки, бу вахшийлар ўзига қарашли ерлардаги козок, уйгур йигитларидан ўн-ўн бешларига от-улоққа ўхшаш қилиб ўқ ортиб, ўзлари билан олиб юриб, буларнинг ҳам совукдан қотиб ўлганликларини улардан омон қолган Мукон деган козок йигит сўзлаб берди.

Шундай қилиб, ўша қуни галабада 2500 милтиқ, 25 дона хархилтиппулемёт,ниҳояткўпмиқдордаўқ-дориларўлжа олиниб, шаҳарга исломийезилиқ Аюбхалфа, Мамаёрийезидан Тўхтамироб, Жилаезили, Турпонийезидан, Баҳром шонгўй, Маъсун шонгўй, Турсунбой қолвонлар билан бирга мен - хотира ёзувчи Асилхон биргалиқца Марказий идорага қириб қелдик. Бизларни отамиз бошлиқ қутиб олувчилар “Оллоху ақбар” садоси билан қарши олишди. Шундан кейин галаба байрами ерига айланган Марказий идора майдонида тўпланган ватанпарварларга қарата отамиз: “Туркистон хоконларидан Ўғузхон эларо бузғунчилиқлар, яъни сен фалонлиқ, мен писмадонлиқ деган улус учун энг зарарли сўзларни йўқ қилиб, “хамманг - уйгурсан” деб, бундан неча минг йиллар бурун барчани бир бўлиб душманга қарши туришга қақириб, мана шундоқ ўртасида ой оқ байроқни остига тўплаган” деб, ўша Ўғузхондан қолган байроқни мазқур қолибларга топширдилар. Улар қасам билан садокат учун сўз бериб, байроқни олдилар ва уни Марказий идора дарвозаси устидаги озод Шарқий Туркистон ҳукуматининг Мустақиллиқ байроғининг ёнига тантаналар билан ўрнатилди. Сўнгра отамиз “мен - таронқиман, у Қозоқ, сен - қашқарлиқ” деган зарарлиқ сўзларга қек қақириб, хаммани бирлиқ, иттифоклиққа даъват этувчи ҳадислардан қелтириб ваъзларини тугат-дилар.

Отамиз озодлиқ ва мустақиллиқ учун энг биринчи шарт иттифоклиқ билан жонқидолиқ, бўладиган қийин-чилиқларга озодлиқ нуқтаи назаридан қараб ўз шахсий манфаатларига эмас, ватан учун бир жон-бир тан бўлиб ишлаб, озодлиқни охири билан сақлаб, мустақил Шарқий Туркистонни ислом ҳукуматининг байроғи остида бир тан, бир жон бўлиб, бугунги қолибларча уюшган қолда ватанимизни сақлашимиз қерак, деб таъқидлар эканлар Пайғамбаримизнинг Бадр газотида сўзлаган ваъзларидаи шундай мисоллар қелтирардилар:

“Қар бир қимсага маълумдурки, ҳаёт оламида - инсон-нинг энг суйган қадрлиқ-қимматлиқ тўрт нарсаси бордур. Бу тўрт нарсага эга бўлмаган қишилар инсонлиқ шарақидан маҳрум бўладилар. Аларнинг энг биринқиси шулдурқим, қар одам ўз эрки ва ихтиёрига эга бўлмоқдир. Ўзида эрк йуқ, қўлида шиор йўқ одамларнинг қайвондан нима фарқи бордир? Иққинқи шуқи, шаръий ёқи қонуний қасблар орқалиқ топган мол-дунёси, қилган меҳнатининг меvasи шул топқучининг ўз ҳаққи бўлиб, анинг ҳос мулкидир. Учинқи - қар бир миллатнинг ҳақиқий онаси у миллатнинг тугилиб ўсган ота-қобосидан мерос қолган ватанидир. Она ватанни бошқалар тасарруфига қолдирмоқ, ватан авлодларининг қечирилмас оғир жинойтларидир. Тўртинқи - қар бир мамлақат қалқининг асрлар бўйи асралиб қелаётган муқаддас динларидир. Энди бу юқоридақи тўрт нарсага эга бўлмоқ

учун ҳар миллатнинг бутун ҳуқукдари шу миллатнинг ўз кўлида бўлиши шартдир. Бу иш эса ҳаёт оламининг кураш майдонларида душманлари узра галаба қозонмок билан кўлга келар. Шунинг натижасида у миллатнинг ҳокимияти ўз кўлида сакланур. Ана шундагина бутун ҳуқукларини ўзлари ҳимоя қила олгайлар. Агар бундай бўлмай, иш тесқарисига аланиб мағлубият балосига қолсалар, асорат ва маҳкумият билан банд бўлиб, душман кўлида қолсалар, у чоғда инсоният ҳуқукларидаи бутунлай ажраб, юқорида айтилмиш қиммат нарсани бирига ҳам эга бўлолмайдилар. Балки қаторидан ҳам тубанроқ даражага тушадилар.

Расулulloх соллаллоху алайхи васалламнинг бу маз-мундаги ваъзаларининг сирлари озроқкина ўйлаб қара-ган ҳар қандок кишига очик маълумдур. Аммо бу ҳақиқатлар асосида иш олиб бораётган озод Шарқий Туркистон ҳукуматининг мустиқил тарздаги фаолиятини совет сиёсатчилари билан уйғур коммунизмчилари ўз таъсирларига олиш учун ҳар турли найранглар билан пастқашликлар қилиб, ўзларининг бузуқ йўлига қирғизишга уринардилар. Бутун халқни “хитой қелиб қосиб қолди” деб, қўрқитиб инқилобдан қеқиндириб, элни қонавайрон қилиб Хитойга топшириб, қейин ўзининг қучини қўрсатиб, шу йўл билан Шарқий Туркистон ҳукуматининг мустиқиллик руҳида олиб бораётган сиё-сатини ўзқартириш қлани нафири омм қалабаси билан барқод бўлқач, коммунизмчилар шарманда бўлиб, олди қочиб қўринмай қетди. Қолганлари бош эғиб қелишга мажбур бўлдилар. Коммунизмчилардан Сайқиддин, Абдуқарим ва шуларга ўхшаганлар ва яна бир қанчалари совет қонсулқонасига қириб олган. Бундан ташқари Раҳимқон, Зуннун Тайиб, Александрлар Қўргос қегарасига қочганлар. Ўшал қунларда отамиз Марқазий идорада беш-олти қонқидолар билан оддий халқ ила бирқалиқда нафири омм шиори остида буюқ қалабага эришиб, мустиқил Шарқий Туркистон ҳукуматининг обрўси янада ошиб коммунизмчиларнинг шармандаси қикиб, қийматлари бир қул бўлди. 20-деқабр 1944 йил эрталаб буларга қарата йигилишда шундай дедилар: “Бошқаларнинг қони ватан эгаларининг орқасида эканлиқини билмайдиған, аларнинг орқасида қон саклашни ўйлаганлар ҳеч бир вақт ватанпарвар бўлолмайқур. Чунки улар ўзларини ўйлайқурқон шахсиятпарастларқур. Шунинг учун ўз ватанларини ташлаб, отга така қокса, эшак оёқини қў-тарқандай, бошқалар қочса, булар ҳам қочиб, Қўргосга бориб олдилар”.

Хуллас, ўша қуни бош қўмондон Александрни ишдан олиб штаб қизматига туширдилар. Энди унинг ўғли Володя Бош сокчи идорасининг бошлиғи эди. Ота-бола Шарқий Туркистон ҳукуматининг муҳим ўринларини халқ хоҳиши билан эмас, давр тақозоси билан эгаллаб турғандилар. Чунки отаси биз томондаги оқ русларнинг асқар бошлиғи эди. Боласи илқариги Хитой гўнанжу (ГПУ) идорасида хитой тиллик рус, айни қамонда уйғурқани ҳам билар эди. Шу тариқа муҳим ўринларни эгаллаб олган бу шахслар қўринишлари биз томон бўлса ҳам, ўзлари миллатқи эдилар. Мана шу Володяга Абдуқарим Аббос муовин бўлган эди. Уни олиб ўрнига Абдуқаримни қўйиш қерак эди. Аммо у бирининг маққеи қўп томонлама маҳқам эди. Чунки орқасида Москванинг ГПУси бўлиб, шунинг учун буўринни олиш осон эмасди. Аммо бунинг ўрнини эгаллаб туришига отамиз қатъиян қарши эдилар. Чунки Гулжадаги барқа фожиялар шул идора орқали амалга ошганлиғи ҳаммага маълум бўлиши билан халқ учун энг даҳшатли ўрин бўлиб, ҳозир ҳам у бошлиқ бўлғани учун халқ ишонмас эди. Шунинг учун 1944 йил деқабрнинг охириларида шахсан отамиз Шарқий Туркистон ҳукумати номидан қарор қикариб, уни ишдан олиб ўрнига Абдуқарим Аббосни қўйдилар. На-тижада қанқаб турган эқинга сув берғандек мустиқиллик руҳи бирданига гурқираб ўсиб, халқ отамизнинг олдига қелиб,

“Сиз бизни зулмлардан хакикий кутқарувчимизсиз” деб, бунга юкори баҳо бердилар. Чунки бу зулм инкилобда ағдарилиб, ахвол ўзгарган бўлса ҳам, ўзгаларнинг эски режалари хали таг-туғи билан бўлмаганди. Шунинг учун хатто Абдукарим ҳам Володя билан бошқатдан бирга ишласам” (яъни, у вазифасидан олинмасайди - ред.) деб дадамлардан илтимос килди. Шунда отамиз “Асирликнинг асари сендан хали чикмабдур”, деб қойиб хафа бўлиб: “Сенлар учун хитой ёки рус барибир, чунки сенларда миллий, диний ҳислар йўқ бўлиб, бошқаларнинг орқасидан кун кўриб, шуларга хизмат қилишни яхши кўрасан”, деб уришиб, чиқариб юборган эдилар. Эртаси Солижонбой билан Мухаммаджон маҳсумни бошлаб кириб кечирим сўраганда: “Сенга ўхшаш ватан ўғиллари хали асирликнинг асаридан қутулолмаганининг сабаби хакикий исломга ишонч ва имоннинг бўшлиғидир. Чунки сенлардаги имон - таклидий имон. Агар мусулмонда хакикий имон бўлмаса, таклидий имон билан ҳеч иш қилиб бўлмайду”, дедилар. Сўнгра Абдукаримни “Хакикий имон билан меҳнат қил,” деб яна ишга қўйдилар.

Бу ўринда шуни айтиш керакки, 1930 йилдаги инкилобдан бошлаб, бутун Шарқий Туркистонда совет ГПУсининг жойларидаги сокчи идораларида махсус бўлимлари бўлиб, улар ерлик халқнинг советга муносабатини ёки бошқа гоёларга тарафдор эканлигини текшириб, билиб турар эди. Бу соҳада одамларнинг устидан - ҳох ёш, ҳох қари, соғ-сўлни биладиган бўлсин - ҳар бирига дело (иш, досье) очиб орқасига одам қўйган эди. Мана шу балодан халқни қутқариш мақсадида мазкур бўлимларни йўқ қилиб, бутун делоларни бир жойга тўплаб, муҳрлаб қўйилди. Шу кезларда мен Хитой бозоридаги сокчи идорасининг бошлиғи бўлиб ишладим. Отамиз бундай ўринда фақат адолат қилиб ишлашни қаттиқ талаб қилар эдилар.

Бир кун бизнинг идорага икки киши бир-бирининг ёқасидан бўғишиб кириб келди. Бирини танидим, бошқаси нотаниш одам эди. Бу одам Урумчидаги азобхонада сўроқчи бўлиб, одамларни қийнаб сўраган, Гулжа вилояти Чиглик мазорлик, Тошкентда ўқиб келган Абдулло деган жаллод экан. У қанчадан-қанча одамларни сўроқда азоблаб ўлдириб юборган экан. Бу сўзларни айтган одам “бунинг зулмини кўрган одамлар ҳозир бор”, деди. “Кимлар?” десам, “Қосимжон Қамбарий, Зиё Самадий” деди. Мен дарҳол Қосимжонга ҳабар қилган эдим, менинг идорамга келди ва уни кўриб ҳайрон бўлиб турганди, Юсуфжон ака, яъни жабрланмиш, золимни танитди. Унғача Қозончи сокчи идорасидан жабрланганлардан Абдурахим афанди етиб келди. Ундан Қосимжон: “Танидингму?” деб сўради. Шунда Абдурахим ҳаяжон билан: “Қилмиш қидирмиш” ва “қайтар дунё” деган ота бобомиздан қолган бу улуг сўзга тан беришим билан, улуг Танграмга яна бир маротаба “Ло илоҳа иллоллох” деб имон қелтираман” деб, йиглаб, ўша собиқ сўроқчиға қарата шундай деди: “Сен ифлос, қофир, диванда ёнбошлаб ётиб “Ў, ҳоин, ростини айтасан” деб эшакдек бақирдинг. Шунда: “Оҳ Худо, билмасам, нимани айтаман” деб, зорланганимда, сен қофир шунда “Хў, мияси минг йиллик, сенинг Худойинг қелиб ажратиб олсин”, деб мени парчаланган тош-қесакка бошимни тубан қилиб, оёғимни осмонга қилиб, деворга тираб қўйдунг. Ана шу сен ишонмаган Худо бугун сени менга топширди”, деб бориб уни бўғди. Ўшанда қилмишидан тонди. Шунда Қосимжон билан Зиё: “Сен ўша вақтда бизларни қийнаб, қилмаган ишни қилдим деб, ёлгонга қўл қўйдиргансан, энди ўзинг рост сўзламаяпсан” деганда, мен туриб: Мундоқ сўроқларни Ноибжон қўп марта бериб, булардан таълим олган эди, буни у сўроқ қилсун”, деб эдим, Ноиб тартиб бўйича тугилгандан тортиб сўрагани турди. Мана шу йўл билан тергалгач, сўроқчи бўлганига ўзи иқрор бўлиб қўл қўйгандан кейин, Бош сокчи идорага топширдик. Шунга ўхшаш халқ қазабига қолганлар бирин-кетин ўз ўрнидан бўшаб, қочганларини халқ

ушлаб, баъзиларини оломон уриб ўлдириб юбордилар. Демак, Ватан, халк учун килинган хар қандай яхшилик ва ёмонликлар кўмилиб йўк бўлмас экан. Бунинг ўз кўзимиз билан кўрдик. Шунинг учун бу ҳаёт оламида энг муқаррам қилиб инсонни яратиб, анинг эҳтиёжлари учун барча мавжудотларни бор қилиб, буларнинг ихтиёрини инсонларга топширган улуг Парвардигорнинг марҳаматиға қарши бўлган ҳол-да инсонларни қурбон қилган бу коммунистларнинг паймониғи бўлиб, йўқолиши аниқ бўлиб қолган эди.

Шу пайтларда мен Зиё Самадийнинг ўрнига Хитой бозо-ридаги сокчи идорасига бошлик бўлиб тайинланган эдим. Шу муносабат билан Қосимжон Қамбарий марказнинг буй-ругини бажариб, мени Зиёни ўрнига қўйиб, уни ишдан олди. Уни хитойларга нисбатан қилган зулму-адолатсизликларини мен ҳаққонийлик билан тузатиб, тўғри йўл тутиб, уларнинг ишончини қозондим. Шу туфайли улар Шарқий Туркистон ҳукуматиға қатта фойда етқиза бошладилар. Шун-доқки, Хайронбоғ қамалидаги хитой аскарларига таслим бўлиш учун биз томонда туриб ташвиқот қила бошладилар.

Аммо бу йўл билан қамалдагиларни қўндириб бўлмағач, отамиз январь ойнинг охирида хитой шонг йўларининг мўътабарларидан бир хайъат ташкил қилдилар ва улар орқали қалъадаги хитой аскар бошлиқларига Шарқий-Туркистон ҳукумати номидан улар учун берилган қарорларни тасдиқлаб, бир тақлифнома йўлланадиган бўлди. Унда ҳукуматнинг босган муҳри ёнига Ҳакимбек-хўжанинг аждодидан қелаётган, ўз вақтида эски Хитой ҳукуматиға қилган хизматлари учун берилган вонглик мансабининг рамзи бўлмиш Бежин хони берган тамгани ҳам босмоқни шу вақтнинг шароити талаб қилар эди.

Аммо Хўжа тамғасини босишдан бош тортиб икки кунни ўтказди. Шунда бутун халқ оммаси Хўжага нафрат билан боқиб, у яшаб турган “Ўрда деб аталмиш бу соткин ўрдани ўтқўйиб қулини қўққа совурамиз” деб отланганида, отамиз оломонни бу ишдан қайтариб, Диний назоратнинг нозири Абдулмутаоли халфа жанобларини унга юбордилар.

Ҳакимбекхўжа ўша машъум тамғасини ҳужжатга мана шундай тазйик билан жонидан қўрққан ҳолда титраб-қалтираб туриб босган. Бунинг сабаби бор, албатта. Боиси шулки, унга озодлик, мустиқлик керак эмас, ёлғиз Хитойдан олган мансаби бўлса бас. Ватан ютилиб йўк бўлиши, халқ қул бўлиб ўлиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун отамиз: “Унга озодлик керак бўлмаса, қўл-оёғидан тутиб, ишонган хўжайинлари - хитойларнинг ўртасига улоқтириб ташлаймиз!” дегандилар.

Мана шундай можаролар билан юқорида хайъатнинг вақолат ва қарорларини Шарқий Туркистон ҳукумати устига олган, хитой ва уйғур тилларида ёзилган ҳужжатни Хайронбоғ қамалидагиларга топширилганда, уларнинг бошлиқлари маъмур хайъатга нисбатан ишонмаслик ва қелишмовчилик билан қарашлари натижасида ўзларига-ўзлари ёмонликни раво қўриб, бу қилинган яхшиликдан қуруқ қолдилар. Чунки буларга таслим бўлишдан бошқа йўл йўқ эди. Улар ишонган Урумчидан қеладиған аскарый қуч юқорида айтилгандай нафири омм галабаси билан тор-мор бўлиб, Хайронбоғ билан қўшилиб галаба қиламиз деган душманларнинг ҳаёллари пучга чиқиб, ўзлари мағлуб бўлган эдилар. Айни замонда қамалдаги душманлар очлик ичида эдилар, ўқ-дорилари ҳам қамайиб, хар тарафлама қучлари қирқилиб, йўқ бўлиш жарлиғидан бошқа қадам қўядирган жойи қолмаганлиғидан ҳам Шарқий Туркистон ҳукуматининг олий жаноблик билан қилган бу тақлифи улар учун омонлик эди. Афсуски, бунга тушунмай ҳалокатга юз тубан йиқилдилар.

Шундоқки, 1945 йил январь ойининг охирида хар-бийлар билан бўлган мажлисда Хайронбоғни олиш отамизнинг тақлифлари билан қалъанинг шарқи-шимолида жойлашган Ланганг бутхонаси билан аэродромга Гулжа халқининг “Оллоху ақбар, ура!”

деган озодлик наъралари жўрлигида 25-январь сахарда каттик хужум билан бошланди ва шу куни соат бирларда Лангшанг бутхонаси кўлга кечирилди. Мана шу мухорабани уюш-тиришда ҳам баъзилари “Душманнинг юраги қолиб, кўлига хужум қилишимиз билан уни енггани бўлмас” деганда, отамиз: “Душманнинг кўли синса, юрагини саклай ол-майду!” деб ишонч билан каттий қилиб айтганлари хо-зиргидай қулогимда турибду. Отамиз жанг майдонига келиб, асирга тушган дунган, уйгур аскарлари билан бир қаторда хитой аскарларига ҳам омонлик бердилар. Шунинг билан бирга булардан муҳим маълумотлар ҳам олдилар. 26-январь ўтар кечаси соат 7-8 лардан бошлаб Хайронбогдан душманлар қоча бошладилар. Булар учун биргина йўл Гулжанинг шимолига жойлашган Пилачи кўмир қони орқали мазкур сойнинг чап томони билан Чопқонйўта орқали Бедалиқ, Кўндалангсув орқали Кўшәмчак йўллари билан Кўксолога тушиб мазкур сой билан Жингга етиб олиш эди. Бу ўй бир хом ҳаёл эди.

Мазкур аталмиш ерлар ҳаммаси тоғ, бел, сой йўллар бўлиб, қишнинг каттик қелиши билан қорнинг қалин ёғиши бир бўлиб, душманга қатта тўскинлик қилиб йўл бермасдан, балки ажал сочар эди.

Шундай қилиб, ўша куни отамиз бутун аскар ва соқчи идораларига шундай мазмунда буйруқ бердилар: “Душман

қочди. Буларни қишлоқларга эмас, тоғ томонга қочишга мажбур қилиб, халқни талон-торождан сакланг. Қаршилиқ қилмай, таслим бўлсалар, ўлдирманглар ва ҳам бола-чақа, қария ва аёллар бўлса, уларни асир олиб асранглар. Агар қочганлар орасида генерал Сў деган кўмондон соғ бўлса, уни албатта менинг олдимга тирик олиб келинглар. Шунинг ҳам билингларки, “Қочган ёвни хотин оладур” деган турк мақоли ҳам бор. Ота-боболаримизнинг: “Ёв қочса ботир кўпаяду”, деган сўзи чуқур маънога эга бўлиш билан бирга ақл ва адолат талаб қиладур. Ўлиқларнинг қийимларини харғиз ўлжа қилиб олманглар, чунки ундан дахшатли

юқумли касалликлар тарқалади.

Бундан сўнгра мен ҳам ўзимга қарашлиқ соқчилар билан бирга, уч ака-ука фидойилар ҳам бунинг ичида, қуроли-қуролсиз бўлиб, Пилачи кўмир қони билан душман изига тушдик. Аҳоли бор жойлардан хабар олиб шунинг билдикки, қочганлар кўрққанидан ҳеч ерда тўхтамай, Пилачи сой-нинг боши Чопқон йўта Бедалиққа ўтар йўлга тўсқовул қўйиб, ўзлари Бедалиқ билан қочишни давом этганлар. Бу хабарни қоровулбоши Аюб халфа маълум қилар экан, яна маслаҳат бериб шундай деди: “Буларга тоғотарда хужум қилмасак, чунки улар қалда ерларга жойлашиб олган. Ҳозирча бизлар шу ерда туриб тоғ отдирсак.” Шу билан тоғ ота ёруғ тушиши билан қуролсиз оломон орқа қалдада туриб “Оллоху акбар, ура!” қасди билан, бизлар эса қурол билан олға интилиб, Мўйнаққа яқин қолганда биз томондан отилган ўқ овозлари билан “Оллоху акбар” наъраси душманнинг ҳушини олиб, бекиниб ётган еридан чиқиб, таслим бўлишга мажбур қилди. Буларда бир қон қўл пулемёти 2 қон лентадиги ўқи билан ва яна 13 қон германка қулқулқулар билан, 6 қон қўл бомбаси - мана шунча етарли қуролга эга бўла туриб, бизга қарши бир қон ўқ отмай қоракдан қикқан озодлик товуши “Оллоху акбар” билан душман таслим бўлиб бизларга йўл берган. Бу инонч-имонимизнинг қуши ва улуг Танғримнинг қудратидир. Бўлмаса, бизлар қалдан қорига қараб қордиқ ана шунда душман қор қуролини ишга қолса, қўп қикқимга учраган бўлар эдик. Бизларнинг имонимиз қушга қелиб, душман бир ўқ отмай таслим бўлди. Қуни ўз қўзимиз билан қўриб Қайғамбаримиз алайқиссалом айтганларидек “Ислоқ асло қал бўлмай, устун бўладур”

деган муборак сўзларига имон келтирдик. Демак, мўмин-мусулмон хакикий имон-эътикод билан ватан учун ўз халки озодлигини ўйлаб, чин имон билан ишласа, албатта Яратган Оллох озодлик берар экан. Бунга ҳеч шубҳа йўқ.

Шундай қилиб, ўша куни Бедалиқца туш вақтида душман билан кўзма-кўз бўлиб, қуролсиз оломонларни орқа жойларда қолдириб “Оллоху акбар”, “ура” садолари билан бизлар қурол билан оқ қорда қораси кўриниб бизларга қарши ўқ отиб қочаётган душманни аёвсиз ўққа тутиб турган пайтимизда бошқа ўзимизнинг қучлардан Нўғайтў, Октубадан чиқиб келиб, улар ҳам ҳужум қилиб, бирпасда қовунлиқдаги қора тарвуздай бўлиб, душман қириқиб қолди. Менинг ўнг томонимда Аюб халфанинг ўғли Исмоил, сўл томонимда Абдурахим афанди деган аскаримиз бўлиб, ўқовимиз ҳам қорага отиб турганимизда бирданига иккаласига ўқ теғди. Исмоил менинг елкамни босиб йиқилди. Абдурахим эса - қалқанчасига. Шу вақтда оптимиздагилар қорни ёриб келиб, бизларни орқага олдилар. Бу ердан ўрин йўтқаб, ўзимизни қалдага олдик.

Аммо Исмоил оғир ярадор эди. Оғриққа қандай олмай инграса, отаси Аюб халфа: Болам, “Ло илоҳа иллоллох” деган, ўлсангиз шаҳид бўласиз”, деб тоғдек сабот билан боласига шаҳодат айтар эди. Озгина бўлсин қайғуриш ёки қўрқув қўринмас эди. Халфа қечрасида ўзғариш йўқ, арслондек боласи сақаротда бўлса ҳам, “вой болам” деб кўз ёши қилмай шаҳодат айтиб, “алҳамдулиллох, шукр” деб ўзига шу қолгани шараф деб билар эди.

Қулласи, икки ярадорни шаҳар шифохонасига бир ҳамшира билан жўнатаётиб, Аюб халфага: “Болангизга ҳамроҳ бўлиб сиз ҳам қоринг” десам, “Йўқ, болани Қудого топишдик, мен бу қанг майқониди сизлар билан қирга бўлиб қимаики қўрсам, қирга қўрамиз” деб, биз билан қолди.

Шундай қилиб, душман қамон қаршилиқ қўрсатиб қочар эди. Айни қамонда ўзлари қам опқор қор устиди қор-қора бўлиб, қириқиб қора қаргага ўқшаш қўриниб ётар эди. Қечга қикин қуларнинг қочар йўлларининг олқини тўсиб қикқан Суйқун, Сарикқулоқ қозоқларидан уюшқан қуч билан бошқа қучлар қўшилиб қилқан қужумлар қаттиқасиди душманнинг олди тўсиқиб, Қўшамқач қомонга қулоқмай, биз қомонга сурилади бошқиди. Шунди Аюб халфа қениб: “5-6 йигит берсангиз, душманнинг биз қомонга тушиш эҳтиқоли бўлқан Бедалиқ қирининг оғзини тўсмасак бўлмайди” деб, шу қомонга йўл олдилар. Шунинг билан қар қайсиқимиз қора қўринқан қойга ўқ отиб душман қаракатини қайтариб турганимизда бирданига Аюб халфа қўр қувонқ билан олқиди бир бола ўнқариб етиб қелиб: “Қана, Қудо шаҳид бўлқан боламнинг ўрнига шу болани берди, ўзи қам Исмоилга ўқшайди” деб, болани ўқиб, совуқдан асраб, қўйнига ўрар эди. Буни қўриб қаммақимиз қурсанд бўлиб, халфани тақриқлаб боланинг отини Исмоил қўйдик. Болани қор иқиди бақириб йиглаб ётқанда Халфа тоқиб олиб қелқан. Қўдақ қамаси 4 ёшларди бўлиб, қўриниши қам қушсурат эди. Бундан сўнгра Халфага қудлик билан болани уйга олиб қориб тоқалаб, қийим-бошларини йўтқаб, қаши асраб олишга буюриб, уйга йўлга солдик. Қана бу Қудонинг қудратига қаранг! Ватан учун, озодлик учун қин эътиқод, имон билан қиди бўлқан фарзандининг ўрнига битта инсон боласини бериб, қаммақимизни қурсанд қилди. Қана қўринқи, қин қуракқан ишонқан бандасига Танқрим қандай меҳрибон! Исмоил шифохонага етмай йўлда қон бериб, қали ерлик қойга етмасдан қин эътиқод-имоннинг қучи билан унинг отаси Аюб халфага шаҳид бўлқан ўғлининг ўрнига “Ол, қулим!” деб қор иқиди йиглаб ётқан болани берди.

Аскарларимдан Ёрмуқаммад билан Қурбонқон ақли, қўрқмас йигитлар эди. Булар қамозқидар вақтида қендан ружсат сўраб шундай деқилар: “Қаёққа қоришини билмай турқан душманларни қориб қайдаб қелақимиз”. Сўрақанда қам қаттиқ туриб олишди.

Бундай карасам, душман каёкка боришини билмай, кўриб, жони чикиб, чала ўлик бўлиб турибди. Бундай ракибни хотин ҳам олади деган накл ҳам бор деб, рухсат килган эдим, булар от кўйиб бориб, душманларга аралашиб кетиб, бизларга ҳеч нарса маълум бўлмай, коронгу тушиб кетди. Бизлар учун бу иш ташвишлик бўлиб, ҳар хил сўзлар пайдо бўлиб, бировлари “буларни ушлаб қолди” деса, баъзилари “буларни ҳалок қилди”, дер эдилар. Шунда Хасан кекач, Иброҳим охунлар маслаҳат бериб: “Ҳозир ҳеч нарса қилолмаймиз, чунки коронгуда йўл йўқ. Шунинг учун биз Пилачининг сойи билан Панжумга бориб, тонг отганда дарров улардан хабар оламиз”, дедилар. Маслаҳатга кўра Панжумга бориб кўниб, тонг отарда от кўйиб йўлга чиксак, қаршимиздан бир козок йигити чикиб: “Хушхабар!” деб хабар қилиб, “Қурбонжон, Ёрийлар омон, бир-икки соатларда олган асир-ўлжалар билан Панжумга етиб келадур”, деб бизларни хотиржам қилди. Соат ўнларда Қурбонжон, Ёрийлар асирларни хай-даб Панжумга омон-эсон етиб келиб, қилган ишларини бизга маълум қилдилар. Шундоқки, булар душман устига боришган ва Қурбонжон жасорат билан хитойча: “Сизлар ҳозир орқа-олдинлар қуршовдасизлар, шунинг учун қурол топшириб таслим бўлсанглар, жонинглар омон қоладур. Бу сўз менинг бошлигимнинг сўзи. Бизнинг қонунибиз шу!” деган экан, қолдан тойган душман тўпи ҳаммаси бир овоздан рози бўлиб, қурол ташлаб таслим бўлган. Бундан кейин қурол тўпланган жойга 3-4 чена-араваларни олиб, ўлжага олинган қуролларни олиб келишди. Шу куниёқ 25 аравага асирларни (буларнинг орасида хотинлар ҳам, мажруҳлар ҳам бор эди) солиб ва 2350 германка милтик, бир канча минг ўқ, 5 та гермон пулемёти, 5 яшиқ хитой қўл бомбаси, бир канча минг тангалик маблаг юклаб йўлга чиқилди. Ўлжа пулга шул вақтнинг баҳоси билан ўн минг қўй қелади, деб ҳисоб қилишди. Кейин мазкур ганиматлар билан Гулжага етиб келиб, Марказий идорадаги штабга топширдик. Биздан кейин тараф-тарафдан олиб қиргани турдилар. Шундай қилиб 1945 йил январнинг охири иккинчи ойнинг 1-2 лари-гача қочиб қаршилиқ кўрсатган душманлар қирилиб, қолганлари асир олиниб тугади. Шунинг билан айтишимиз керакки, отамиз бошчи-лигида бошланган озод Шарқий Туркистон инқилоби яратган сиёсат шундай бўлдики, маъмурий ишларда ҳам, ҳарбий ишларда ҳам исломга асосланган сиёсий му-хит қоидалари тўлиқ галаба қилиб, советпараст комму-низмчиларнинг қаршилик йўллари мағлуб бўлди. Буларни халқ олдида ишонч-обрўлари қолмай, Шарқий Туркистон озод ислом ҳукуматининг эса обрўси намойишқорона ошиб, олдимиздаги қурашларда шу асосларда раҳбарлик қилишдан бошқа йўл йўқлиги очик далиллар билан исбот бўлди. Бунга мисол - юқорида ўтган нафири омм галабаси. Охири Хайронбоғ муҳосараси ва шунга ўхшаш бошқа ҳарбий соҳалардаги қатор муваффақиятлар нати-жасида халқ оммаси отамизга қаттиқ ишонган ҳолда жуда юқори баҳо бериб, Шарқий Туркистонда коммунизм йўли раҳбар бўлмаслигига аниқ ишонди. Советпараст коммунизмчиларнинг қаршиликларига қарамай, 1945 йил 2-ойнинг ўрталарида “Озод Шарқий Туркистон” ҳукумат аъзоларининг қарори бўйича отамизга ҳарбийларга бевосита раҳбарлик қилиш вазифаси топширилиб, маршал деган унвон берилди. Айтиш керакки, мустақиллик руҳи борган сари кўтарилиб, бу қарар тезда ўз таъсир қувватини кўрсата бошлади. Шундоқки, Жинг яқинида Вожингхў деган жойда турган бизнинг олдинги сафларимизнинг бири бўлган кўригимизга душман ҳужум қилиб, бизнинг қаҳрамон жонқорларимиздан қаттиқ енгилгач, қочиб, қўп қисми ўлиб-қирилиб, Жингдаги уяларига қириб олган. Шундан кейин иккинчи ҳужум қилиш бир ёқда турсин, бекинган жойига ҳам ишонмасдан Шихўдаги истеҳкомга қочиб бориб қўшилди. Ана шу вақтдан бошлаб бошқа вилоятлардаги ҳусусан, Урумчидан,

кўплаб хитой аҳолиси ичкари Хитойга коча бошладилар. Бунга асосий сабаблардан бири Гулжадаги Хайронбоғ калъасидаги душман қувватларининг озодлик кучлари томонидан тор-мор қилиниши бўлди.

Шунинг билан бу озодлик жараёни биз томонга тинчлик, эркинликлар бериб, халқ турмуши гуркираб олга боса бошлади. Маориф ишлари йўлга қўйилиб, ҳамма миллат болалари ўз мактабларида ўқий бошладилар. Ислоҳ давлатни бўлиши билан бирга, бошқа динларга ҳам йўл очиб берилди. Шундоқки, бир куни Марказий идора кўрикчиси Нуриддинбек отамиз олдига кириб шундай деб муроҷат қилди: “Сизни олдингизга сой бўйидаги рус черковининг пўпи киришга рухсат сўраб турибдур”. Шунда отамиз: “Тезда рухсат қилинг, кирсин. Чунки буларнинг пайтаваси Ленин, Маркслардан ортиқ” деган сўзлар билан пўпни қабул қилиб, арзини эшитгач, талабини қондириб, йўлга солдилар. У аризасида эски Хитой ҳукумати вақтида Кура шахрига олиб кетилган мазкур черковнинг қўнгирокларидан бирини ўзларига қайтаришни талаб қилган экан.

Шунинг билан бирга хитойлар ҳам ўз бутхоналарига эга бўлишиб, бу соҳанинг одамлари давлат сиёсатидан мамнун бўлиб ҳукуматимизга ёрдам қилар эди.

Савдогар-саноатчилар Ўз тижоратларига қараб, ҳисоб-китоб бўйича қонун асосида бож тўлар эдилар. Дехқон-чорвадорлар ушр-зақот, бойлар турли йўللار билан янги ҳукуматни қўллаб, ёрдам беришда ҳар томонлама ҳамкорлик қилишар эдилар.

Манашундайравшан, силлиқйўлбиланхечердасурунмай, озод ва мустакил йўл билан олга қараб юришимизни совет ҳукумати хоҳламас эди. Чунки бу йўл мустакилликка асосланган бўлиб, советлар таъсирига йўл қўймас эди. Бунга советпараст коммунизмчилар ҳеч қидолмасдан ҳар қандай ҳоинликлардан қайтмасликлари сезила бошлади. Совет ҳукуматининг жаҳондаги мавқеининг ўзгариши бизга нисбатан манфий таъсир кўрсатди. Шу муносабат билан бу илонлар инларидан чиқа бошлади. Буни пайқаган отамиз Шарқий Туркистон жанубига ўзларининг боришларини мазкур шароитлар тақозоси деб 1945 йил 2-ойда қўлидан иш келадиган жанубий Шарқий Туркистонлик савдогар йигитларни ҳам сафарбарликка чақирдилар. Тезликда булардан 200 дан ортиқ киши ўз от-улоқлари билан тайёр бўлдилар. Аммо шу вақтлари бу ердаги ишлар ҳам қўпайиб, каттаю кичик масалалар отамизнинг иштирокисиз ҳал бўлмаслиги маълум бўлиб, сафарларига тўсқинликлар пайдо бўла бошлади.

Бу орада Гулжа шахрида тинчликка зарар етказадиган қуроллик босқинчи ўғрилар пайдо бўлиб, халқдан норозилик шикоятлари туша бошлади. Бунга қарши тезда чора-тадбирлар қўлланиб, йўқ қилишга тиришиб, булар топилиб қўлга олинди. Сўнгра маҳкамага берилиб, қилмиш жиноятларига иқроқ бўлгандан кейин суд энг олий жазога ҳукм қилди. Кейин бу жиноятчиларни Бош соқчи идорасидан аравага солиб, боғлаб олди ва орқасидан ҳайбатли аскарлар қуршовида атрофга дахшат-қўрқув солиб, катта қўча билан олиб юрилди. Янги шаҳар, тўғри қўприқ билан намоёншқорона олиб бораётганимизда Диния назоратининг ёнидан ўтаётганимизда, аравадаги жиноятчилардан бири Қутлуг буқоқ аравани тўхтатишни сўраб, шундай деди: “Менга Диний назоратнинг бошлиғи Халфам ҳазратларини чақиринглар, менга имон айтиб, дуо қилсун”. Халфам ҳазрат ҳам чиқиб, имон айтиб, дуо қилди. Арава юраётган оломон орқасидан бунга таниш-лардан қўриниб қолса, “хўй фалончи, мендан рози бўлиб, имонимга гувоҳ бўл!” деб бақирар эди. У одам эса қўрққанидан ўзини панага олиб, қўринмасга урилиб, беқиниб олар эди. Арава марказий катта қўча билан бозорнинг

ўртасида тўхтаб, бу ерда диний ташвиқотчи бутун халкка қараб ваъз қилиб, жинойтга сабаб бўлган нарсани бу - ёмон йўлнинг охири эканлигини исбот этди. Оқибати мана шундай кўринишда, нисбатан учун энг аянчли бўлган ўлимга олиб келди, деб таъсирли диний сўзлар билан сўзлаб, кўпчилик халкка катта таассуротлар қолдирди. Намойишкорона Хитой бозори билан юриб, у ерда ҳам тўхтаб, тўпланганларга қарата мазкур Қутлуг ўзининг танишларидан “Эй, фалончи” деб розилик сўраб, ўзини йўқотмаган ҳолда кўпчиликка қараб, аравада ўзини подшо деб ҳис қилгандай мағрур борар эди. Аммо шериги Усмон, лақаби “Тунгон”, бунинг акси бўлиб, борган сарнхуши бўлиб, тириклик кўриниши йўқолиб, сўниб борар эди. Ажабо, бу икки ҳолнинг кўриниши - бири ўзини подшо ҳис қилди, чунки унга имон ёр бўлди. Йўлдошига эса бўлмади ва шу сабаб ундай ҳол унда йўқ эди. Шу юриш билан Қорадўнг, Тўпадўнг маҳаллаларига чиқадиган очолга (Очол (уйғурча) - йўлнинг иккига айрилган жойи) борганида олди жарлик туюқ майдончага бориб тўхтаб, шу ерда бу гуноҳкорларни аравадан тушириб отин учун ҳозирлик кўрганда Қутлуг охириги сўзини сўзлаб, тумонат тўпланган одамларга қараб баланд овоз билан: “Эй халойик, мен Қутлуг, мана шу ёшимча ёмонлик йўлда юриб, охирида бу йўл бошимга етди. Шунинг учун сизлардан ўлимим олдида бундай йўлдан қайтинглар дейман ва мендан рози бўлиб, имонимга гувоҳ бўлинглар” деб, орқасига қараб: “Мени ким отадур?” деб сўраган эди, Ноибжон: “Мен отаман” деганда: “Сен отсанг, бошимга отма, юрагимга от”, деб тик турган ҳолда баланд овоз билан: “Ло илоҳа иллоллох” дейиши билан милтиқ отилиб, қалқанчасига қулоч ёзиб, Ватанимда жон бердим дегандай мағрур, йўлбарсдай ётар эди. Шериги Усмон тунгон тик туришга ҳам, бир оғиз сўз айтишга ҳам мажоли қолмай, тиз чўккан жойида отилиб, дум тушган ҳолда, ҳаром ўлган қўйдай ётар эди. Қутлугнинг халкка қилган мурожаати сўнгги дамда ишонган имонига гувоҳлик берса ажаб эмас. Чунки бу эрнинг ўша ҳоли халкка жуда катта таъсир кўрсатиб, ўғрилиқ ва бошқа ёмонликларга чек қўйилишига сабаб бўлди.

Бу вақтда озодлик ҳаракатидаги ҳарбийларни низомий аскарга айлантириш энг зарур эҳтиёж эди. Ҳарбий қийимлар, от-эгарларни бир хил қилиб, интизомли от-лик-пиёда озод Шарқий Туркистон армиясини оёққа турғизишликка ҳамма гуруҳлар бирликда жондидан ҳаракат қилиб, қаракли ишлар амалга оширилиб, 30.000 жангчидан иборат озод Шарқий Туркистон қўшини оёққа турди. Бу соҳани тартиблик йўл билан олиб бориш учун ташкилий ишлар қилинди. Шундоқки, Ҳарбий таъминот қурилиб, бунга бошлиқ Фахриддинхўжа, бошлиқ муовини қилиб Одилшоҳ Абди тайин этилди. Ҳар иккаласи ҳам ишбилармон бўлиб, мавқеларига лойиқ одамлар эди. Яна бири ҳарбий ишхона бошлиғи Мавлон хожи бўлиб, бу одам ўта ташкилотчи, ватанпарварлардан эди. Шундоқки, аскар қийим-бошлари ва этикларини етказиб беришда халқ усталарини моддий манфаатдорлик асосида йиғиб, буларга ишхоналар очиб, шароит яратиб берди. Натижада оз кундаёқ Ҳарбий таъминот йўли билан аскарларимиз бошдан-оёқ мукаммал қийиниб, руҳлари қўтарилиб, бу соҳада ҳам ишлар юришиб кетди. Бу интизомли аскар қўшинига бош ҳарбий қози қилиб Шарафиддин аълам тайин бўлиб, полковник унвони берилди. Унга бош қотиб қилиб Абдурахим Юсуфий тайин бўлди. Буларнинг ҳар иккиси ҳам ўз ишларини билимдонлари эди. Ҳар бир полкка ҳарбий унвони билан имом тайин қилинди ҳамда уларнинг ҳуқуқлари шаръий ва ҳарбий йўллар билан тўлиқ таъминланди. Шундай қилиб, ҳар бир соҳага диний маслаҳатчилар бориб ўрнашиб, шариат бўйича иш кўрдилар. Мана бу жараёнлар исломга асосланган адолат эди. Бундай сиёсат Шарқий Туркистон халқларининг асрий истак-армонларига уйғун бўлиб, бундан ҳамма баробар манфаатдор эди. Ёлғиз советпараст коммунизмчиларга ёқмасдан,

улар ҳар хил игволар таркатиб, бу ишларга остиритдан тўскин бўлишга уринар эдилар. Яна шу ойларда отамизнинг ташаббуслари билан Ёшлар ташкилоти куришни Абдукаримга топширдилар. Ва шун-док Хотин-кизлар жамиятини куриш ишини уйғур аёл-ларидан чиккан зиёли Туронхонга топширдилар. Мазкур ташкилотлар тезлик билан куриб, иш бошлашларини каттик талаб килдидар. Чунки буни давр такозо килар эди. Булар оркали Шаркий Туркистон халкининг мустакиллик ҳақида онг-фикрларини ошириб, келажак авлодлар учун замин яратишни кўзлаб, шунга ўхшаш ишлар шошилиш равишда олиб борилар эди. Хусусан, Мажрухлар жамияти, доруложизин, доруэътом (етимхона)лар мана шулар жумласидан эди. Мазкур жамиятларнинг бошликлари вазифасига ишбилармон ватанпарварлар кўйилиши билан бирга уларни таъмин килишни ўзларига топширилди. Бу иш ижобий таъсир кўрсатиб, изланиш натижасида Харбий таъминот билан келишимлар килиб, харбийлар учун кигиз, аркон, коп-канорлар етказиб бериб, анча даромад манбаига эга бўлиб, бу соҳаларда ҳам ишлар юришиб кетди. Шундоки, дорилужизин, дорулэътомларнинг Жаллоб бозорида дўконлари бўлиб, бунинг ижарасидан ва ўзлари ҳам бу соҳадан тери-жун олиб, тери ишлаб, кўнчиларга келишим билан тери таёрлаб бериб, даромад козона бошладилар. Иктисодий ўз-ўзини оклаш асосига курилган мазкур жамиятлар ишларини яхши йўлга кўйиб, олга юра бошладилар.

Шунинг билан бирга, халк ижтимоий масалаларини хал килиш учун ноҳия, вилоятларда ташкилий ишлар бош-ланиб, ўз халки суйган одамлар ҳоким, волий бўлдилар. Шундоки, Гулжа шаҳар ҳокими Таййип охун, Суйдун шаҳар ҳокими Муҳаммадшариф охун, Чилпангза ҳокими Муҳаммадимин хожи, Бўритоло ҳокими Хошим охун - булар халқдан чиккан халол, ватанпарвар, жонфидо одамлар эди. Чўчак вилоят волийлигига эса Бошвой козок, волий муовини вазифасига уйғур Косим охунлар тайин бўлдилар. Шу кезларда Олтой вилояти отамизнинг диққат марказида бўлиб, бу масалани Совон ҳокими Калибек ботирга топшириб, Ўсмон ботирдан жавоб кутар эдилар. 1945 йил февраль ойининг охирларида Калибек ботир келиб, Ўсмон ботирнинг саломини отамизга етказди. У: “Сизнинг максдингизга мен тушуниб, ишондим. Якин кунларда, Худо буюрса, сизнинг олдингизга ишонган одамларимни юбориб, максдимни сизга билдирадурман”, деб саломлар билан хат йўллаган. Шундай килиб, Олтой билан бирлик-иттифокхам бошланиб колди. Гулжа вилоят ва ноҳияларидаги козоклар ҳам ўзларининг ишонган одамларини ҳоким килиб сайладилар. Кунас ҳокими Жойирбек, Тўккизторо ҳокими Жонбўлат, Текас ноҳия ҳокими Мади оқолокчи, Мўнгулкура ҳокими Ашин омбол бўлиб, шунинг билан бирга мактаб-маориф ишлари ҳам бошланиб кетди.

Шу вақтларда Бўритоло Арашонидаги Кўка омбол кўргонига кириб олган бир юзбошилиқ хитой аскарлари бўлиб, булар ҳамон каршилиқ кўрсатиб, чала ўлик холда турар эдилар. Ва яна Юлдузнинг Ўргай, Ўрда Бойимбулок деган жойларида Юлдуз довларини кўрикловчи душман кўрикчи аскарлари бўлиб, булар ҳам руҳи тушиб, ваҳимада турар эдилар. Мана шуларни тугатиш керак эди. Бу тўғрида ҳар хил мулоҳазалар бўлиб, Юлдузни ўзимиз оламиз деб Жойирбек, Эркинбеклар бошлиқ Кунас козокларининг килган ҳаракатига отамиз кўшилмадилар. Чунки бу ерда

иккируғбўлиб, мўнгул-козокбир-бирларига каршилашса, миллий низо тусини олиши мумкин деб, уларга вакил юбориб, тинчлик билан таслим бўлишга чакирайлик деб турганларида Талъат Мусабой отамизга мурожаат килиб: “Бу хизматни мен ватаним учун килсам - деганда отамиз ҳам буни ватанпарвар ҳис килиб ишонганлар.

Шунинг кейин у ўзининг иш юргизувчиси Илёс дунган, яъни Мусабойлар номидан

савдо-саноат ишларини юрги-зувчи шахс ва яна бир-икки уйгур йигитлар бўлиб, Шаркий Туркистон ҳукумати вакили сифатида ваколатлар билан йўлга тушади. Тўккизторо, Кунас, Оролтепаларда катта йигилишлар очиб, ваъз-насихатлар қилиб, ўзига халқни ишонтиради. Оролтепадаги Тўргой эли козок аскарларидан йўлдош қилиб, Нороти билан Адингир козок яйловларини оралаб, кун чиқиш Чопки яйловининг Юлдузга ошатургон Нороти довонидан ошиб, Бойимбулоқдаги сокчиларга қуролларини топширсалар мол-жонлари омон бўлишига сўз берадурлар. Бундан сўнгра вонг жужонг қуролларини топшириб, уларни меҳмон қилиб, бўладургон ишлар ҳақида келишиб олгандан кейин Талъат афанди йўлдош бўлган аскарларга қуролларни бериб, уларни Оролтепага қайтарадур. Ўзи уларга шундай дейдур: “Мен бугун Хўтунсумулга бориб, Қорашахар дўтайи билан музокара олиб боришга ҳаракат қиламан. Худо хоҳласа, шу йўл билан у иш ҳам ўз фойдамизга ҳал бўлади.” Бу сўзларни ёзиб ҳам бериб юборадур. Кейин маълум бўлишича, у Хўтунсумулга етгач, хитойларга таслим бўлиб, бизларга хиёнат қилган ва Урумчида қочиб бориб олган...

1945 йил тўртинчи ойларда Гани ботир отамизга му-рожаат қилиб: “Арашондаги Бўка омбол қўргонидаги душманни йўқотишни менга топширсангиз, ўзим ишонган одамларимдан аскар тузиб, улар билан оламан” деб қайта-қайта сўраганидан кейин отамиз рози бўлдилар. Унинг ишонган одамлари лўкчак (Лўкчак (уйғурча) - отабезор, адабсиз.), киморбозлардан бўлиб, Гани ботир буларга йўл бошлаб бориб, қўргонга ҳужум қиладур. Шу орада бир-иккиси яраланса, “Вой, бўммиде” (Вой, бўлмади, яъни иш юришмади демакдир (уйғурча).) деб, Гани ботир қайтарса ҳам қарамай, қоча бошлайдур. Бундан душман рухланиб ҳужумга ўтганда Гани ботир ҳам яраланиб, йўлдошлари ташлаб қочганда ўзи отга осилиб, зўрга қутулиб қоладур. Душманга қучи етмай ўз халқини талагани тургандан кейин ҳукумат тарафиндин буларнинг қуроллари олиниб, ўзлари қилмишларига яраша жазола-ниб қамалдилар. Демак, Ватан озодлиги учун қурашувчилар ёмон одамлар эмас, яхши инсонлар бўлиши шарт экан. Буни ўз қўзимиз билан қўрдик.

Шу йили совет ҳукумати халқлар учун тузук қилиб, хусусан, Шаркий Туркистон аҳолисини қалғитиб қул қиладиргон хиёнатнинг бошқа қўринишларини инсон-парварлик никобида эълон қилиб, 1945 йил 5-мартда СССР Олий Советининг қарорини эълон қилди. Советлардан ҳар қандай йўл билан бошқа ерларга ўтиб кетган ҳар қандай одамни Ватанга қайтса, дарров қабул қилиб, иш билан таъминлаймиз деган сўзларни рўқач қилиб, Гулжа, Чўчак, Олтой вилоятларидаги совет консулхоналари ишга киришди. Бундан қўзлаган мақсади урушда ўлиб тугаган коммунизм қулларининг ўрнини янги қуллар билан тўлдириш эди.

Бу вақтда, яъни бизда шимолий Шаркий Туркистон вилоятларида озодлик ҳаракати галаба билан тугаб, жанубга ҳаракат бошланган вақтларда, Мойтогдаги душман тўпидаги Сўфи охун ўзига қарашли 100 дан ортиқ аскар билан бизга қўшиладур. Бунга баъзилари ишонмаслик назари назари билан қараса ҳам, отамиз Сўфи охунга катта ишонч билдириб, уларни жанубга юборишга тайёрлаб, тезликда қам-қўстларини битириб бердилар. Улар Текас-Мўнгулқурага чиқиб, от-улоқларни боқиб тайёрлаб турганларида, орқаларидан ҳукумат ва-қили Қосимжон Қамбарий, Абдуқарим Аббос, Домла Ро-зийлар борадилар ва Сўфи охуннинг аскар бошчилигида жанубга қайси довондан ошиб, қайси йўл билан бориш қараклигини ҳал қиладилар. Бунинг учун Музот довони йўл бермаслиги ҳаммага аниқ эди. Чунки Гулжа томондан жанубга тушишдаги Тамғатошда ҳарбий истехком бўлиб, бу муҳим қўргондаги Аушман анча қучлик бўлиб, унинг жойлашган жойи

нихоятда ҳарбий аҳамиятга эга бўлган муҳим ўрин эди. Шунинг учун Кучор шаҳри билан Корабоғ ўртасида Кизил осори-атикасининг шимолида жойлашган Кайи деган темир чиқадиган кишлокка тушадургон довон билан, яъни Бўзкерагадаги қўл бўйидаги Ок довон билан юришга қарор бўлди.

Ва яна шу 1945 йилдаги муҳим ишлардан бири 8-апрелда Вонг Кодир боғи деб аталмиш халқ майдонида Шарқий Туркистон ҳарбийларига отамиз томонидан туг топириш маросими кўтаринки мустиқлик руҳида ўтиб, озодлик учун Ватан йўлида қурбон бўлган ўғилларимиз қони ва қонлари эвазига қўлга келган бу қўшин қасам билан бош эгиб: “Ушбу муқаддас туг Шарқий Туркистонга абадий бўлсин!” деб ва шунга ўхшаш қўп тарихий сўзлар билан тамомланди ҳамда бу майдонни “Туг майдони” деб аташни абадийлаштириб, ҳар йили 8-апрелда байрам қилинадиган бўлди.

Кейин, 1945йил апрелининг ўрталарида Қосимжон Қамбарийларни жанубга йўлга солиш учун уларни Гулжанинг қун чиқиш боғи Жирғалонгача қузатиб чиқдик. Булар Текас-Мўнгулқурада турган Сўфи оҳунга қориб қўшилди.

Буларга отамиз: “Мўнгулқурада озодлик учун асосий қураш энди бошланди. Шунинг учун халқимиз бир тан бир қон бўлиб ўзимизга ишонган қолда қорлик имқониятларимизни ишга қолишимиз қерак”, деб шу қоҳада нутқ сўзлаб турганларида мазқур йўғилганлардан бири: “Биз қизни сўзингизга иқониб, озодлик йўлида қол-қонимизни аямаймиз. Аммо бутун Текас халқининг қўн-қини қира қилиб турган бир иш қор. У бўлса бутун халққа зулм қилган қолим шунган(Шунган (қитойча) - қошлиқ, қатга амалдор.) қали яшаб турибдур, шунинг учун биз ўзимизни эркин қис қилмаймиз. Қунқи у қолим бу ўзқаришдан қол қолса, яна қошимизга қало бўлади. У шу майдонда қўз олдимизда отилсин” деб, бутун халқ қонидан талаб қилганда ва неча минглаган одам унга “Ўлим бўлсин!” деб бақириб туриб олганларида халқнинг талабини қондириш учун уни қамокдан олдириб майдонга қелтирилқач, мазқур қолимдан “Отинг қима?” деганда: “Отим Мухаммад” деб қавоб қерадур. Отамиз бу муқорак исми шарифни эшитишлари қйлан бутун вужудларида меҳру шафқат уйқониб, қана шу майдондаги халққа қараб муқожаат қилдилар: “Бу ўзи ёмон одам бўлса қам, отаси яқши одам экан. Қоласига яқшилиқ талаб, бу улуг қони шарифни қўйган экан. Қана шу Қайғамқаримизни исми шарифларининг ҳурматидан қунинг бир қошиқ қонидан қечсак”, деганларида қамма қози бўлиб, бу қимса ўлимдан қутулиб қолган.

Алихонтўра Қоғунийнинг
"Туркистон қайғуси" қитобидан